ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Турсунов Достонбек Рустамбек ўғли
Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни мухофаза қилиш академияси магистранти
E-mail: tursunovdostonbek@icloud.com
Tel: +998 88 834 03 20
https://doi.org/10.5281/zenodo.20175787

Аннотация. Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бирига айланиб, унинг барқарор ривожланиши бевосита мустаҳкам ҳуқуқий базага таянади. Ўзбекистонда туризм соҳасини либераллаштириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мослаштириш жараёнлари жадал кечаётган бир вақтда, туризм ҳуқуқининг тарихий-ҳуқуқий илдизларини, меҳмондостлик институтининг эволюциясини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Мақоланинг асосий мақсади қадимги жамиятлардаги урф-одат ва хушмуомалалик белгиси бўлган "меҳмондостлик" тушунчасининг аниқ ҳуқуқий мажбурият ва хавфсизлик кафолати шаклига ўтиш жараёнини, шунингдек, Ўзбекистон миллий туризм қонунчилигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини хронологик изчилликда очиб беришдан иборат.

Калит сўзлар: Туризм, туризм қонунчилиги, меҳмондостлик институти, тарихий эволюция, рим ҳуқуқи, буюк ипак йўли, давлат сиёсати, визасиз режим

ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ТУРИЗМЕ

Аннотация. На сегодняшний день туризм стал одной из стратегических отраслей мировой экономики, и его устойчивое развитие напрямую опирается на прочную правовую базу. В то время как в Узбекистане интенсивно протекают процессы либерализации сферы туризма и адаптации нормативно-правовых актов к международным стандартам, научно-теоретическое исследование историко-правовых корней туристического права и эволюции института гостеприимства приобретает актуальное значение. Основная цель статьи заключается в раскрытии в хронологической последовательности процесса перехода понятия «гостеприимство», являвшегося в древних обществах обычаем и знаком вежливости, в форму четкого правового обязательства и гарантии безопасности, а также этапов формирования и развития национального законодательства о туризме Узбекистана.

Ключевые слова: Туризм, законодательство о туризме, институт гостеприимства, историческая эволюция, римское право, Великий шелковый путь, государственная политика, безвизовый режим.

STAGES OF FORMATION AND DEVELOPMENT OF TOURISM LEGISLATION

Abstract. Today, tourism has become one of the strategic sectors of the global economy, and its sustainable development directly relies on a solid legal foundation. While the processes of liberalizing the tourism sector and adapting regulatory legal acts to international standards are intensively underway in Uzbekistan, the scientific and theoretical study of the historical and legal roots of tourism law and the evolution of the institution of hospitality is of highly relevant importance. The main purpose of the article is to reveal, in chronological order, the process of transition of the concept of "hospitality," which was a custom and a sign of courtesy in ancient societies, into the form of a clear legal obligation and a safety guarantee, as well as the stages of formation and development of the national tourism legislation of Uzbekistan.

Keywords: Tourism, tourism legislation, institute of hospitality, historical evolution, Roman law, the Great Silk Road, state policy, visa-free regime.

Кириш. Туризмнинг шаклланиш босқичига назар ташланса, унинг илк кўринишлари инсоният тараққиётининг энг қадимги даврларига бориб тақалиши кузатилади. Илмий адабиётларда туризм феномени фақат дам олиш ёки саёҳат сифатида эмас, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий ва цивилизацион жараёнлар билан узвий боғлиқ мураккаб тизим сифатида талқин қилинади. Шу нуқтаи назардан, туризмнинг шаклланишини тарихий-эволюцион жараён сифатида таҳлил қилиш илмий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Шу билан бирга, туризм соҳасидаги қонунчиликнинг шаклланиши инсоният цивилизациясида мавжуд бўлган “меҳмондўстлик” институтининг оддий ахлоқий қадриятлардан ҳуқуқий мажбурият шаклига трансформацияланиши жараёни сифатида намоён бўлади. Мазкур жараён жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжининг ортиши, хавфсизликни таъминлаш, саёҳат қилувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан бевосита боғлиқдир.

Замонавий ҳуқуқшуносликда “Lex Touristica” (туризм ҳуқуқи) атамаси остида шаклланиб бораётган ушбу соҳанинг назарий ва амалий асослари қадимги дунё ҳуқуқ тизимларига бориб тақалади. Хусусан, қадимги цивилизациялар доирасида савдогарлар, элчилар ва зиёратчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган нормалар, йўл хавфсизлигини таъминлаш ва меҳмонларни қабул қилишга оид қоидалар туризм ҳуқуқининг илк элементлари сифатида баҳоланади. Шу жиҳатдан, туризм ҳуқуқи мустақил ҳуқуқий институт сифатида шаклланиши узоқ тарихий тараққиёт натижаси бўлиб, у замонавий глобаллашув шароитида янада такомиллашиб бормоқда.

Туризм ҳуқуқининг тарихий ривожланишини тадқиқ қилган етакчи олимлардан бири Н.И. Волошин таъкидлаганидек: “Туризм ҳуқуқи дастлаб савдо ва зиёратчилик алоқаларини тартибга солувчи урф-одатлардан ўсиб чиққан бўлиб, кейинчалик у

давлатлараро муносабатларнинг муҳим қисмига айланган".[1] Қадимги жамиятларда меҳмондостлик шунчаки хушмуомалалик белгиси эмас, балки ижтимоий институт ва хавфсизлик кафолати бўлган. Франциялик машҳур социолог ва антрополог Марсел Мосс ўзининг фундаментал "Совға ҳақида эссе" асарида меҳмондостликни "реципроклик" ўзаро алмашинув назарияси орқали тушунтиради. Мосснинг фикрича, қадимги жамиятларда "бегона" шахс ҳар доим хавф манбаи ёки душман сифатида қабул қилинган. Меҳмондостлик маросими эса ушбу "душман"ни "меҳмон"га айлантиришнинг ягона ҳуқуқий механизми эди. Мезбон меҳмонга овқат ва бошпана бериш орқали уни ўзига қарздор қилади ва келгусида ўзи сафар қилганда худди шундай ҳимоя олиш ҳуқуқини қўлга киритади.[2]

Римликлар биринчи бўлиб меҳмондостликни давлат сиёсати даражасига кўтардилар. Машҳур немис тарихчиси ва юристи, Нобел мукофоти соҳиби Теодор Моммзен Рим давлат ҳуқуқини тадқиқ қилар экан, "Hospitium Publicum", давлат меҳмондостлиги институтини алоҳида ажратиб кўрсатади. Моммзеннинг таҳлилига кўра, Рим сенати хорижий шаҳарлар билан меҳмондостлик тўғрисида шартномалар тузган. Бу шартномага кўра, Рим фуқароси ўша шаҳарга борганда ва аксинча, ўша шаҳар фуқароси Римга келганда, улар суд ҳимояси, уй-жой ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган.[3] Бу замонавий визасиз режимнинг илк прототипидир.

Ўрта асрларда туризмнинг асосий шакли – диний зиёрат ва савдо карвонлари эди. Бу даврда Марказий Осиё ҳудудида, хусусан, Буюк Ипак йўли тармоқларида ўзига хос ҳуқуқий муҳит шаклланган. Ўрта асрларда Буюк Ипак йўли шунчаки савдо маршрути эмас, балки турли ҳуқуқий тизимлар, динлар ва маданиятлар тўқнашадиган глобал тармоқ вазифасини ўтаган. Замонавий халқаро ҳуқуқшуносликда ушбу давр "Lex Mercatoria", савдогарлар ҳуқуқининг шаклланиш даври сифатида ўрганилади. Ипак йўлининг асосий қисми VIII асрдан бошлаб Ислом халифалиги назорати остида бўлган. Ислом ҳуқуқида чет эллик сайёҳлар ва савдогарларнинг мақоми "Мустаъмин" яъни ҳимоя сўровчи тушунчаси орқали тартибга солинган. Мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан ишлаб чиқилган "Амон" институтига кўра, мусулмон ўлкасига кириб келаётган ғайридин савдогарга давлат ёки айрим шахслар томонидан хавфсизлик кафолати берилган. Агар савдогарга "Амон" берилса, унинг жони ва моли дахлсиз ҳисобланган. Унга нисбатан жиноят қилган шахс қаттиқ жазоланган. Бугунги кундаги **виза** тизимининг ўрта асрлардаги прототипи айнан шу "Амон" қоғозидир.

Марказий Осиё минтақасида ҳам меҳмондостлик ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган. Амир Темур даврида элчилар ва савдогарлар учун йўлларда махсус "Ям" яъни почта ва меҳмонхона тизими жорий қилинган бўлиб, бу ҳақда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундаликларида шундай ёзади: "Темурнинг

[1] Волошин Н.И. Правовое регулирование туристической деятельности: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2017. – С. 12.
[2] Mauss M. The Gift: The Form and Reason for Exchange in Archaic Societies. – London: Routledge, 2002. – P. 34.
[3] Mommsen T. Römisches Staatsrecht. (Vol. 3). – Leipzig: Hirzel, 1887. – S. 590.

буйруғи билан бизни ҳар бир бекатда янги отлар ва озиқ-овқат билан таъминлашди, бу давлатнинг меҳмон олдидаги масъулияти нақадар юқори эканини кўрсатади".[4]Амир Темур давлатида савдогарлар ва элчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. "Темур тузуклари"да савдо аҳлининг мол-мулкини қўриқлаш, йўллардаги хавфсизлик учун қишлоқ оқсоқоллари ва ҳудуд ҳокимларининг шахсий жавобгарлиги белгиланган.[5] Буни замонавий тилда "туристлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг масъулияти" деб аташ мумкин.

Европада Ўрта асрларда Рим империясининг қулаши оқибатида ягона ҳуқуқий майдон йўқолиб, қитъа юзлаб майда феодал давлатларга бўлиниб кетди. Бу даврда туризм ва саёҳатлар асосан уч йўналишда амалга оширилган. Яъни, диний зиёрат, савдо-сотиқ ва рицарлик юришлари. Европа ҳуқуқ тарихи бўйича таниқли олим Гарольд Берман ўзининг "Ҳуқуқ ва инқилоб" асарида ёзади: "Ўрта асрларда саёҳатчи учун энг катта муаммо – бу ҳуқуқий вакуум эди. Бир феодал еридан иккинчисига ўтганда, қонунлар тубдан ўзгарар, сайёҳ кўпинча ҳеч қандай ҳимояга эга бўлмасди".[6] Шундай шароитда Европа цивилизацияси сайёҳлар ва савдогарлар хавфсизлигини таъминлаш учун ўзига хос ҳуқуқий механизмларни яратди. Давлат ҳокимияти заиф бўлган илк ўрта асрларда католик черкови сайёҳлар хавфсизлигини таъминловчи асосий институционал кучга айланди.

Жахонда “турист” ва “туризм” атамалари дастлаб XIX аср бошларида инглиз манбаларида, хусусан, 1811 йилда «Sporting Magazine» журналида қўлланилган. «Туризм» сўзи французча “tour”, сайр-саёҳат сўзидан келиб чиққан.[7] Мазкур тушунчаларнинг кенг оммалашиши ва адабиётга кириб келиши француз ёзувчиси Стендальнинг 1838 йилда нашр этилган “Туристнинг хотиралари” асари билан боғланади. Айнан шу асардан сўнг сайёҳларни “турист” деб аташ одат тусига кирган.

Туризм узоқ вақт давомида фақатгина ҳордиқ чиқариш усули сифатида кўрилган. Уни алоҳида ижтимоий-иқтисодий ва илмий феномен сифатида ўрганиш ва илмий тушунча сифатида киритиш кейинроқ бошланган. Туризмга илк мукаммал ва академик таърифни 1942 йилда швейцариялик олимлар — Вальтер Хунцикер ва Курт Крапф берган. Улар туризмни “яшаш жойини доимий ўзгартирмасдан ва у ерда ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, одамларнинг саёҳат қилиши ва маълум жойда бўлиши натижасида юзага келадиган муносабатлар ва ҳодисалар йиғиндиси” сифатида илмий асослаб беришган.[8] Бу таъриф кейинчалик Халқаро туризм экспертлари ассоциацияси (AIEST) томонидан ҳам қабул қилинган. 1937 йил “халқаро туризм” атамасига биринчи марта таъриф берилди.

Миллий туризм қонунчилигининг ривожланишини шартли равишда икки босқичга яъни ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратиш босқичи, 1991–2016 йиллар ва

---

[4] Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). / Рус тилидан таржима. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 89

[5] Темур тузуклари. / Масъул муҳаррир: Б. Аҳмедов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – Б. 88.

[6] Berman H.J. Law and Revolution: The Formation of the Western Legal Tradition. – Cambridge: Harvard University Press, 1983. – P. 342.

[7] Биржаков М.Б. Введение в туризм. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008. – С. 45.

[8] Hunziker W., Krapf K. Grundriss der Allgemeinen Fremdenverkehrslehre. – Zurich: Polygraphischer Verlag, 1942. – P. 21.

либераллаштириш ва жадал ривожланиш босқичи, 2016 йилдан ҳозирги кунгача каби босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи даврнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, давлат хавфсизлиги ва ички барқарорликни таъминлаш мақсадида туризм соҳаси қатъий назорат остида ривожлантирилди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ташкил этилди. Бу тузилманинг ўзига хос ҳуқуқий мақоми шунда эдики, у бир вақтнинг ўзида ҳам давлат органи, ҳам хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият юритди. Иқтисодчи олим Н.Т. Тўхлиев таъкидлаганидек: "Дастлабки босқичда туризмни бошқаришда давлат монополиясининг сақланиши ўтиш даври қийинчиликларини енгиб ўтиш учун зарур чора эди, аммо бу рақобат муҳитининг шаклланишига тўсқинлик қилди".[9] 1999 йил 20 августда қабул қилинган ва хозирда ўз кучини йўқотган, Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни соҳадаги илк фундаментал ҳужжат бўлди. Қонун 21 моддадан иборат бўлиб, унда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари белгиланди. Бироқ, бизнинг фикримизча ушбу қонун бир қанча камчиликларга эга эди. Қонун нормаларининг аксарияти ҳаволаки бўлиб, аниқ ижро механизмлари қонуности ҳужжатларига ташлаб қўйилган эди. Бундан ташқари, турфирма очиш ва фаолият юритиш учун бюрократик тўсиқлар юқори эди.

Либераллаштириш ва жадал ривожланиш босқичи 2016 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси туризм сиёсатида сифат жиҳатдан янги даврни бошлаб берди. Мазкур босқич давлат томонидан туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида эътироф этиш, уни диверсификация қилиш ва халқаро интеграция жараёнларига чуқур жалб этиш билан тавсифланади. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан туризм иқтисодиётнинг драйвер соҳаларидан бири сифатида белгилаб олинди ва бу, ўз навбатида, соҳанинг институционал-ҳуқуқий асосларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

Ушбу босқичнинг бошланғич нуқтаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини[10] қайд этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳужжат туризм соҳасини ислоҳ қилишда комплекс ёндашувни белгилаб бериб, норматив-ҳуқуқий базани модернизация қилиш, институционал тузилмани оптималлаштириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни ўз ичига олди.

Хусусан, ушбу даврда визавий сиёсат либераллаштирилиб, 90 дан ортиқ давлат фуқаролари учун визасиз режим жорий этилди, шунингдек, электрон виза (E-visa) тизими амалиётга татбиқ этилди. Бу эса мамлакатнинг туристик жозибадорлигини ошириш ва халқаро туристик оқимларни кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Институционал ислоҳотлар доирасида “Ўзбектуризм” миллий компанияси

[9] Тўхлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Туризм иқтисодиёти: назария ва амалиёт. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 45.
[10] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4861-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон

тугатилиб, унинг ўрнига Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (ҳозирда Туризм қўмитаси) ташкил этилди. Энг муҳим жиҳатлардан бири сифатида давлат бошқарувида назорат қилувчи ва хўжалик юритувчи функцияларнинг ўзаро ажратилгани соҳада рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилди.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш жараёнида 2019 йил 18 июлда қабул қилинган ЎРҚ-549-сонли янги таҳрирдаги “Туризм тўғрисида”ги Қонун[11] алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонун 45 моддадан иборат бўлиб, унда халқаро стандартлар, хусусан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) тамойиллари кенг қамровда имплементация қилинди. Қонунда “туристик кластер”, “туристик зона”, “гид”, “экскурсия етакчиси” каби асосий тушунчаларга аниқ ҳуқуқий таърифлар берилди, бу эса соҳадаги ҳуқуқий аниқлик ва институционал шаффофликни таъминлади.

Шу билан бирга, туристларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг устувор мажбуриятларидан бири сифатида мустаҳкамланди. Меҳмонхона хўжалиги ва туроператорлик фаолиятини лицензиялаш ва сертификатлаш тартибларининг соддалаштирилиши эса тадбиркорлик субъектлари учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишга хизмат қилди. Ҳуқуқшунос С.А. Марипованинг таъкидлашича, мазкур қонуннинг энг муҳим ютуғи – туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари учун имтиёз ва преференцияларнинг қонуний кафолатланиши, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларининг жорий этилишидир.[12]

Бундан ташқари, ушбу босқичда туризмнинг алоҳида йўналишларини ривожлантиришга қаратилган махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, зиёрат туризми, агротуризм, этнотуризм ва экстремал туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Айниқса, қишлоқ жойларда меҳмон уйларини ташкил этиш тартибининг соддалаштирилиши аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад манбаларини диверсификация қилиш ва ҳудудий ривожланишни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди.

Хулоса қилиб айтганда, 2016 йилдан кейинги давр Ўзбекистон туризм қонунчилигининг либераллашуви ва институционал модернизацияси билан характерланади. Қисқа вақт ичида соҳада “ёпиқлик ва маъмурий назорат” тамойилларига асосланган моделдан “очиқлик, рақобат ва рағбатлантириш” тамойилларига асосланган замонавий ҳуқуқий тизимга ўтиш таъминланди. Бу эса нафақат миллий туризм бозорининг жадал ривожланишига, балки Ўзбекистоннинг халқаро туристик маконда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

---

[11] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги "Туризм тўғрисида"ги ЎРҚ-549-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019

[12] Марипова С.А. Ўзбекистон Республикасида туризм фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б. 22.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Волошин Н.И. Правовое регулирование туристической деятельности: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2017.
2. Mauss M. The Gift: The Form and Reason for Exchange in Archaic Societies. – London: Routledge, 2002.
3. Mommsen T. Römisches Staatsrecht. (Vol. 3). – Leipzig: Hirzel, 1887.
4. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). / Рус тилидан таржима. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
5. Темур тузуклари. / Масъул муҳаррир: Б. Аҳмедов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019.
6. Berman H.J. Law and Revolution: The Formation of the Western Legal Tradition. – Cambridge: Harvard University Press, 1983.
7. Биржаков М.Б. Введение в туризм. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008.
8. Hunziker W., Krapf K. Grundriss der Allgemeinen Fremdenverkehrslehre. – Zurich: Polygraphischer Verlag, 1942.
9. Тўхлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Туризм иқтисодиёти: назария ва амалиёт. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4861-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон,
11. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги "Туризм тўғрисида"ги ЎРҚ-549-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.07.2019 й.
12. Марипова С.А. Ўзбекистон Республикасида туризм фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДЮУ, 2020.